



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 6-noyabr, payshanba, 44 (572)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

КУЧЛИ ЎРТА СИНФ — РАҚОБАТБАРДОШ ИҚТИСОДИЁТ — ФАРОВОН МАМЛАКАТ



ПОЙТАХТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING VI СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА О'ZLIDEP'НИНГ МАМЛАКАТИМИЗ БАРЧА МИНТАҚАЛАРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИДАН САЙЛАНГАН 300 НАФАРДАН ОРТИҚ ДЕЛЕГАТ ИШТИРОК ЭТДИ

Алоҳида таъкидлаш жоизки, O'zLiDeP мамлакатимиз сиёсий майдонига кириб келгандан буён аниқ ижтимоий қатламга — мулкдорларнинг ўрта синфига таянган ҳолда изчил фаолият юритмоқда. Бинобарин, иқтисодиётимизнинг мустақкам таянчига айланаётган мазкур қатлам вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун яратилаётган имконият ва имтиёزلарни янада кенгайтириш бундан кейин ҳам ушбу сиёсий кучнинг энг асосий мақсади бўлиб қолаверади.

Съездда партиянинг кейинги беш йил мобайнидаги иш фаолияти конструктив ва объектив тарзда таҳлил этилиши жараёнида O'zLiDeP ана шу устувор вазифани бажариш йўлида ўз электорати — тadbirkorлар, фермерлар, ишлаб чиқаричи ва бошқарувнинг малакали мутахассислари кўмагига таянган ҳолда мохият-эътибори билан мамлакатнинг барқарор ривожла-

нишини таъминлашга йўналтирилган қатор амалий тақлиф ва дастурлар ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга татбиқ этишда салмоқлиқ тажриба орттирганлиги алоҳида қайд этилди. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Содиқжон Турдиев ўз маърузасида сайловдан кейинги атраф-эътибори билан мамлакатнинг барқарор ривожла-

рини ифодалаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асл моҳияти либерал-демократик ғоялар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасида зимматини қўлига олиб, ҳар қандай даражада уддалай олди, деган саволга муфассал жавоб қайтараркан, партия фаолияти Президентимиз раҳна-

молигида амалга оширилаётган туб ислохотлар билан ҳамкорлигини уқтириб ўтди.

Ҳисобот даврида жойларда тadbirkorлар ва фермерлар манфаатларини ифодалаш бўйича аниқ ишлар олиб борилди. Хусусан, депутатлик гуруҳлари томонидан ижро ҳоқимияти тузилмалари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг 1672 мартаба эшитувчи тақлиф этилди, тегишли тақлиф ва ташкилотлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларига 7017 та сўров юборилди. Шу билан бирга депутатлик гуруҳлари ва алоҳида депутатлар томонидан 1360 та тadbirkorлик субъекти ва фермер хў-

жалиги раҳбарининг кредитлар, ер участкалари олишга тааллуқли ариза ва мурожаатлари кўриб чиқилиб, уларнинг 1230 таси ижобий ҳал этилди. O'zLiDeP ҳудудий кенгашларига мурожаат қилган 1437 нафар тadbirkor ва фермерга 38,6 миллиард сўмдан зиёд кредит берилишига партиявий воситалар билан кўмаклашилди.

Шунингдек, 2011 йилдан эътиборан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган маҳсул услубиётга мувофиқ маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари 695 мартаба назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширдилар.

Айни вақтда Сайловолди платформамиз талаблари ҳамда партияимиз электорати манфаатлари инобатга олинган ҳолда маҳаллий кенгашларнинг доимий комиссияларига 1185 та тақлиф киритилди. Эътиборлиси. уларнинг 286 таси сессияларда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

2-3

Долзарб мавзу

Экспорт ҳажмини оширишда суғуртанинг аҳамияти

Андижонда Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий экспорт қилувчиларни суғурталашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди

Экспорт билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларига яратилган имтиёз ва имкониятлар, экспорт контрактларини суғурталаш жараёнидаги қалтисликлар, суғурта полисининг аҳамияти муҳокамаларнинг бош мавзуси бўлди.

Илгари маҳсулотни экспорт қилиш ҳаракатидаги тadbirkorлар 15 фоизли тўлов олдиндан амалга оширилгани ҳақидаги банк маълумотмасини тақдим этиши шарт эди. Ҳозирда кичик бизнес субъектларидан бу талаб этилмайди. Шунингдек, улар суғурталаш шартномаси бўйича маҳсулот экспорти учун тўланадиган суғурта муқофотини миллий валютада тўлаш имкониятига эга бўлди.

Семинарда миллий экспорт қилувчиларни таваққулликлардан суғурта йўли билан ҳимоялаш борасида Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Жамғарма томонидан ташқи бо-

зорлар бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турлари тизимли равишда таҳлил қилинаётгани, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига асосан талаб этиладиган зарур лицензия, сертификат ва рухсатномаларни олишда барча хизматлар кўрсатилаётгани қайд этилди.

Мазкур жамғарма бўлим бошлиғи Камолдин Нурматовнинг таъкидлашича, йил бошидан буён 667 нафар тadbirkorга ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий масалаларда ёрдам кўрсатилиши натижасида 678 миллион долларга тенг миқдордаги маҳсулот экспорт қилинган. 50 дан ортиқ тadbirkor суғурта полиси оқали 61,9 млн. долларга тенг текстиль, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия ва МДҚ давлатларига сотишга эришган.

Тadbirkor давомиди ишбилармонларни қизқирган саволларга жавоблар қайтарилиб, тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Муносабат

Мақсадга элтувчи ёруғ йўл

Урганч шаҳрида “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда сув ҳавзасининг бир қисмини сақлаб қолиш учун амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди



Инсоният янги асрнинг энг долзарб муаммоларини ҳамжиҳатлик, соғлом фикр, реал ғоялар, амалий ишлар оқали ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Улар орасида бир авлоднинг кўз ўнгига қуриб бораётган Орол денгизи ва унинг остонасида юзага келган, тобора кенгроқ ҳудудларга таҳдид солаётган экологик вазият ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислом Каримов конференция қатнашчиларига йўллаган табриқда мазкур форумнинг “Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири — Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генотипи ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган”и бежиз таъкидланмаган. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, минтақамиздаги бу муаммо бир қатор халқаро

ташкilotлар диққат марказида турибди. Хусусан, 2010 йилнинг баҳоридида БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун жанобларининг шахсан ўзлари Мўйноқда бўлиб, денгиз акваторияси, бу ерда юзага келган экологик вазият билан атрофлича танишгани, мавжуд аҳволни юмшатишга доир мақбул тавсияларни илгари сургани, Нукусда оммавий ахборот воситалари учун брифинг бергани, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Оролбўйи минтақаси учун тораба ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бораётган бу муҳим муаммога қаратгани эътирофга лойиқдир.

2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА

44 КУН ҚОЛДИ

АНИҚ САВОЛГА

— Оқруғ ёки участка сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, қотиби ёки аъзолари сиёсий партиянинг вакили бўлиши мумкинми?

— “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига биноан сайлов комиссияси таркибидидаги шахс бирор-бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

— Сайлов жараёнида номзодлар учун берилган овозлар тенг бўлиниб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда қандай йўл тўтилади?

— Овозлар тенг бўлинган вазиятда сайлов комиссиясига раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади. Мазкур норма “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилган.

АНИҚ ЖАВОБ

БУГУНГИ СОНДА:

ЖАРАЁН
Сайловолди платформаси қандай тайёрланди?

4

КЎЙИ БЎЙИНЛАРДА
Ижобий ўзгаришларнинг миқдордаги акси

5

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Компьютер кичкинтойлар овунчоғими?

6

ИҚТИСОДИЁТ
Мамлакатимиздаги бизнес юритиш шароити юксак баҳоланди

7

1 Австралия доллари	2082,55	1 АҚШ доллари	2388,25	1 Хитой юани	390,42	1 Польша злотийси	705,81	1 ЕВРО	3042,15
1 Англия фунт стерлинги	3813,32	1 Миср фунти	334,02	1 Россия рубли	56,91	1 СДР	3530,62	10 Жанубий Корея вони	22,20
1 Дания кронаси	400,44	1 Исландия кронаси	19,47	1 Украина гривнаси	184,41	1 Туркия лираси	1072,02	10 Япония иенаси	211,82
1 БАА дирҳами	650,24	1 Канада доллари	2115,93	1 Малайзия ринггити	722,18	1 Швейцария франки	2471,80		

VI СЪЕЗД

ИҚТИСОДИЁТ — ФАРОВОН МАМЛАКАТ

Зеро, бугунги кунда сиёсий майдонда қандай иш олиб бораётганимиз билан эмас, балки қандай амалий натижаларга эришаётганимиз ҳисобига мавқе-нуфуз орттиришимиз, фақат шу орқали сайловчиларнинг ҳаққоний баҳосини олишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам тўпланган тажриба ҳамда мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш орқали партиянинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг рақобатдошлигини ошириш соҳасидаги устувор вазифаларини замон талаблари даражасига кўтаришимиз лозим.

Съездда яқинлашаётган сайлов сиёсий партиялар учун нафақат янги имкониятлар, балки улкан масъулият ҳамда ўзига хос "демократик синов", шунингдек, давлат ва жамият қурилишининг муҳим масалалари, электротар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзларининг аниқ позицияси билан сайловчилар олдида қанчалик обрў қозонганликларининг реал кўрсаткичи эканлиги таъкидланди. Бўлажак сайлов амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар муваффақиятининг яна бир намоиши ҳамда демократик янгиланишларнинг навбатдаги босқичига қадам қўйилаётганидан далолатдир. Ана шундай масъулиятли сиёсий имтиҳонда муносиб иштирок этиш О'зЛиДеРнинг асо-

сий мақсадидир.

— Жорий йилги сайлов кампанияси республикада юзага келган мутлақо янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда ўтаётди, — деди С.Турдиев. — Бундай ўзгаришлар аввало давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепция — мамлакатни модернизация қилишнинг узоқ муддатли дастури қабул қилиниши ва амалга оширилиши, сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлиги билан узвий боғлиқдир. Сайлов кампанияси даврида талаб даражасида фаолият юритиш учун барча ҳудудий партия ташкилотларининг моддий базаси ва таркибларини кучайтириш масалалари катта аҳамиятга эга. Тайёргарлик ишларини унумли олиб боришда, айниқса, БПТлар ролини кескин оширишга йўналтирилган ишлар яхши натижалар бериши шубҳасиз.

Маълумки, О'зЛиДеР бозор иқтисодиётига асосланган эркин жамият қуриши ва бунинг позицияси билан сайловчилар олдида қанчалик обрў қозонганликларининг реал кўрсаткичи эканлиги таъкидланди. Бўлажак сайлов амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар муваффақиятининг яна бир намоиши ҳамда демократик янгиланишларнинг навбатдаги босқичига қадам қўйилаётганидан далолатдир. Ана шундай масъулиятли сиёсий имтиҳонда муносиб иштирок этиш О'зЛиДеРнинг асо-

сиёсий мақсадидир. Анжуман қатнашчилари партиянинг сайловолди платформи асосий қоидаларини тасдиқладилар. Бу ҳужжат Ўз-



бекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловда О'зЛиДеРнинг кенг қўламли иштирокида мафкуравий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Унда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни, давлат ва жамият қурилишини, ижтимоий, гуманитар ва маънавий соҳаларни янада эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Съездда сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ О'зЛиДеРдан Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Сўзга чиққан делегатлар Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг муҳим вазифаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган демократик сайловда ўз платформасида акс эттирилган асосий йўналишларни амалга ошириш имкониятини яратадиган қонунларнинг парламент томонидан қабул қилинишида сезиларли даражада таъсирга эга бўладиган ўринларни қўлга киритиш ҳисобланганини таъкидладилар.

СЪЕЗДДА ПАРТИЯ ОЛИЙ ОРГАНИ ВАКОЛАТИГА КАРИДАН БОШҚА МАСАЛАЛАР ХАМ КҮРИБ ЧИКИЛДИ ВА ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Раҳматулла КАМОЛОВ, О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши раиси, "КамРах" фермер хўжалиги раҳбари:

— Алоҳида таъкидлашни истардимки, мустақиллик туғайли мамлакатимизда мулқдорлар қатлами вужудга келиб, уларнинг манфаатларини ҳимоялашни мақсад қилган сиёсий куч майдонга чиқди.

Ана шундай лаҳзаларда беихтиёр "Ким эдигу ким бўлдиқ?" деган савол ҳаёлга келаверилади. Бу саволнинг жавоби истиқлол йилларида амалга оширилган ва ҳозир ҳам янги босқичда давом эттирилаётган изчил ислохотларда мужассамдир. Бошқача айтганда, орадаги фарқи кундалик ҳаётимизда ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Мисол тариқасида мутахассислар тилида аграр сектор, дея таърифланадиган қишлоқ хўжалигини олиб кўрайлик. Собиқ тузум даврида деҳқон уйининг томига пахта экмаган, холос. Лекин роҳат-фароғат нима-лигини билмаган. Уларга шарт-шароит яратиш хусусида гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди.

Ҳозир-чи? Бугун уларнинг эмин-эркин фаолияти учун барча шароит муҳайё қилинган. Мустақиллик йилларида пахта якка-қимлиги ва қишлоқ хўжалигини бирёқлама ривожлантириш масаласига чек қўйилиб, хом ашё етиштириш ҳажми 3,4 миллион тоннагача қамайтирилгани, пахтадан бўшаган майдонларга озиқ-овқат экинлари уруғи қадала бошлангани натижасида оғирларимиз тўлибгина қолмай, гапга, мева ва сабзавотни экспорт қилувчи давлатга айландик. Бунда партиямиз электротарининг салмоқли

қисмини ташкил қилувчи жонқуяр фермерларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги фермер ўз маҳсулотини ўзи қайта ишлайдиган, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш орқали фаолиятини янада кенгайтираётган кўп тармоқли субъектдир. Қишлоқ мулқдорларининг шижоати билан чекка-чекка қишлоқларда ҳам кичик саноат корхоналари ташкил этилаётганини барчангиз яхши биласиз.

Қайта ишлаш ҳақида гап кетганда ҳаммамизга маълум бир рақамни келтириш ўринлидир: 1990 йилда пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 44 фоизга етди. Ундан ҳам муҳими, яқинда қабул қилинган энгил саноатни ривожлантириш дастурига асосан 2020 йилгача ана шу кўрсаткични 70 фоизга олиб чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилангандир. Жумладан, мато ишлаб

чиқариш 2,8 баробар, трикотаж 2,9 баробар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 3,3 баробарга ошиши кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг энг самарали тизими бўлган фермерлик ҳаракатига ўтиш ва уни мунтазам ривожлантириш юзасидан амалга оширилган кенг қўламли ишлар бугунги ютуқларимизнинг мустақам замини бўлмоқда.

Бундай долзарб масалаларда О'зЛиДеРнинг Фермерлар кенгашлари билан яқин ҳамкорлиги ёш фермерларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш орқали қишлоқ мулқдорларининг янги авлодини шакллантиришга хизмат қилаётди. Бу эса партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар бажарилишининг амалдаги намоиши демакдир.



Серенбай СЕЙТНАЗАРОВ, Ўзбекистон Қарамони, Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгаши раиси:

— Съездда олдимизда турган муҳим сиёсий имтиҳонга жиддий тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокамалар асосида Ўзбекистондаги кенг қўламли ўзгаришлар, амалга оширилаётган изчил ислохотлар бутун дунё эътиборини тортаётгани эътироф этилди.

Мен опис ҳудуддаги қишлоқ мулқдори сифатида 2012 йилда Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан Фермерлар кенгаши тузилгани, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастурнинг самарасини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ана шу муҳим ҳужжат партиямиз электорати бўлган минг-минглаб фермерларни қишлоқдаги етакчи кучга айлантириш, уларнинг иқтисодиётимиздаги ўрнини янада мустақам-

лашга хизмат қилаётди. Бу ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш, аҳолини керакли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда аграр секторнинг экспорт салоҳиятини оширишга замин яратмоқда.

Ўтган давр давомида қорақалпоғистонлик фермерларга жуда катта ёрдам кўрсатилди. Хусусан, жойларда пахта ва гапчалчиликдан ташқари, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган субъектларни ташкил этиш учун қўлай имконият яратилди. Натижада Қорақалпоғистондаги фермер хўжаликларининг

60 фоизи кўп тармоқлига айлантирилди. Энг асосийси, қишлоқ мулқдорларининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли тобора ортиб борапти.

Эътиборлиси, мамлакатимизда нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқлар қиёфасини ўзгаришида муҳим ҳисса қўшаётган фермерлар сони ортиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган 73 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг 36 мингдан ортиқ кўп тармоқли, яъни хом ашёсини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу эса жуда катта куч. Ўйлаймани, бу куч билан биз бўлажак сайловда албатта ғалаба қозонамиз.



Клара ЖУМАМУРАТОВА, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Бугунги сайловчи қуруқ ваъдаларга эмас, реал натижаларга баҳо беради. Улар беш йил аввалги одамлар эмас. Онги баланд, дунёқараш кенг сайловчининг ишончига сазовор бўлиш учун тинимсиз изланиш, қўччиликни ўйлантираётган масалаларга оқилона ечим топиш даркор.

Съезд кун тартибига киритилган масалаларга оид маъруза ва ҳисоботларда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни кичик бизнесга жалб этишга йўналтирилган партиявий лойиҳалар хусусида ҳам сўз юритилди. Президентимизнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий илохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадига Андижонга ташрифи чоғида хотин-қизларга эътиборни янада кучайтириш ҳақидаги фикрлари долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, бугун О'зЛиДеРдан номзоди кўрсатилган бўлажак



Поляна СВЕШНИКОВА, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Бугунги съездда партиядан сайланган депутатларнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишдаги фаолияти замон талабига жавоб бермаслигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, 2009 йилда сайланган фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси борасидаги ваколатларидан фойдаланиши ундан аввалги қаҳриқдаги ҳамкасбларига нисбатан 1,5 баробар кўпайганига қарамасдан, бу кўрсаткич қабул қилинган қонунларнинг жуда оз қисмини ташкил этади.

Шундан келиб чиқиб, фракциямиз ишини бугунги ислохотлар жараёнининг

шиддатини инобатга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва тақомиллаштириш зарур. Бунда, авваламбори, хусусий мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш, кичик бизнес учун янада қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ишбилармонларга янги преференциялар бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Сайловолди дастурида билан боғлиқ яна бир масала: Ўзбекистон ташқи бозорга ҳомашэ эмас, балки тобора кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланмоқда. Шундай экан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бўлажак депутатлар бевосита иштирок этишлари зарур. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ЯИМ улшини ошириш устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Съезд материалларини Озод РАЖАБОВ, Шухрат ХҲЖАЕВ, Бехзод ИСРОЙЛОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади. Суратлар муаллифи: Солиҳон ЗОИРОВ ва Шухрат РАҲИМОВ.

Шукрона ва фахр

Эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи, манфаатдорлик ва эртанги кунга бўлган мустақам ишонч мустақиллик берган неъматлардир. Хусусан, юртимизда истиқлол йилларида тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган кишига барча шарт-шароит ва имкониятларнинг яратилиши, энг муҳими, манфаатдорликнинг оқиши, тафаккур тарзи ва дунёқарашда эгаллик туйғусининг шаклланиши том маънода бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятининг юксалишига замин яратди. Бугун қай бир шаҳар ва қишлоққа борманг, ҳар қадамда янгиланиш нафасини ҳис қиласиз.

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БҮЛДИК?

Юртбошимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарда ким бўлишдан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидаларни тасдиқлаш имкон эмас.

лиги, тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатиши, иродасини мустақамлашга оид фикрлар нечоғли тўғри айтилганига бугун яна бир қарра амин бўлмоқдамиз.

1981 йили Москвада чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да тадбиркор деганда пухта ўйлаб иш қиладиган одам, яъни бу тушунча кишининг фазилати сифатида таърифланган. Аммо унда тадбиркорлик тўғрисида лом-мум дейилмаган, бу сўзнинг касб-кор сифатидаги мазмунни ёритилмаган.

Чунки, о-чиқ тан олиш керак, шўролар даврида «бизнинг тирикчилигимиз ҳақида фақат давлат ўйлайди», деган мафкуравий ғоя илгари сурилиб, мустамлақачилик сиёсатини улуғлаш мақсадида инсонлардаги ташаббускорлик ва ишбилармонлик руҳини йўқ қилиш, аксинча, «ўзибўларчилиги», «тадбирсизлиги», «манқуртлик» кайфиятларини рағбатлантиришга ҳаракат қилинди. Ишбилармон, тадбирли ва яхши яшашга интилган кишилар «олиб-сотар», «чайқовчи», «текинхўр» кимсалар сифатида таҳқирланди. Энг «халқчил», деб жар солинадиган қонунларда ишбилармон кишилар учун қатъий жавобгарлик чоралари белгиланганди.

Уша даврда меҳнат кишиларнинг онгли фаолиятдир, деган ақида қалблардан ўрин олмаган қуруқ широк бўлиб, тенгномоқлик, ишламай тишлаш, чиройли кийинишга интилиш, бошқаларнинг қадр-қиммати, манфаатини пойма қилиб бўлса ҳам бойлик орттиришга интилиш кайфиятлари кучайди.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданок фуқароларнинг бошқа соҳалар қатори тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратилди. Чунки жамият фуқароларини ошириш нафақат давлат, балки ҳар бир инсон зиммасидаги вазифа эканлигини бугун барча бирдек ҳис қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши фуқароларнинг тадбиркорлик соҳасида эркин иштирок этиши, манфаатдорлигини ошириш учун шароитлар яратиш билан бирга ишчанлик фаолиятини юксалтириш ҳамда хусусий сектор субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига асос бўлди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошгани, аҳоли жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани, юртимиз қисқа даврда кечаги, ўзини боқишга қурби етмаган республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айлангани алоҳида тилга олинди.

Далиллар доимо ҳақиқатни ифодалайди. Уларга қараб у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий ривожига хос жиҳатлар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётининг йиллик ўсиш даражаси охириги 10 йил давомида 8 фоиздан ошиб, барқарор ривожланиб бораётганини бугунги кунда камдан-кам давлатлар мисолида кузатиш мумкин.

Шу ўринда ҳақиқ савол туғилади: келтирилган ушбу рақамлар нимадан далолат бермоқда? Қайд этиш жоиз: мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодий ўсиш сезиларли даражада ортди. Хусусан, ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ишбилармон ва тадбиркорларнинг бунёдкорлик сари илдам одимлашида катта рағбат бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, йигирма уч йилда Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий қиёфаси, одамлар тафаккури буткул ўзгарди. Бу ўзгаришлар, бордини, яна-ун, ўн беш йиллардан сўнг қандай тотли мевалар беришини кўз олдингизга келтириб кўрсангиз, кўнгилга умидбахшлик, юракка шукр ва фахр ҳисси инеди.

Илҳом ЖУМАНАЗАРОВ, Жиззах вилоят хўжалик судининг катта маслаҳатчиси.

Лекторлар гуруҳи учун семинар

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий партия ташкилотлари қошида тузилган лекторлар гуруҳлари учун ўқув-семинар ўтказилди. Тадбир О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2014 йил 13 августдаги қарори ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадида ташкил этилди. Семинар давомида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мусталик институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлини баш мутахассиси Қ.Исмомов, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Д.Абдуллаев сўзга чиқиб, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, партиянинг бевосита сайлов жараёнида иштирок этадиган кузатувчиси ва ваколатли вакилнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари ҳақида фикр юритди. **О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.**

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



«XXI ASR» 2014-yil 6-noyabr, payshanba, 44 (572)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Ижобий ўзгаришларнинг миқдордаги акси

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масаласи энг долзарб мавзуга айланди

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Маълумки, масъулиятли сиёсий имтиҳонга ҳозирликнинг самардорлиги бошқа омиллар қаторида оммавий-сиёсий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларининг нечоғли таъсирчанлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам жойларда ўтказиладиган тадбирлар қуруқ расмийликка айланб қолмаслиги керак. Хўш, бундай ҳолатларга қай йўсинда барҳам бериш мумкин? Назаримизда, О'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши ва унинг таркибидagi бошланғич ташкилотлар томонидан мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар ўрнат қилиб кўрсатишга, оммалаштиришга лойиқ.

2009 йилда партия туман ташкилотлари ҳамда БПТлар сайё-ҳаракати билан турли мавзуларга бағишланган 43 та тадбир уюштирилган. Уларда деярли 1200 киши қатнашган. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 2,5 мингдан зиёд тадбиркор, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган 90 га яқин давра суҳбати, очиқ мулоқот ва семинар ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, бу шунчаки миқдорий кўпайиш бўлмай, балки ўзига хос сифат ўзгаришларининг соналарида акс этишидир. Бошқача айтганда, ўтган йиллар мобайнида туманда яшовчи фуқароларнинг партиямиз фаолиятига қизиқиши янада кучайиб, тарафдорларимиз, хайрихоҳларимиз анча ортди. Албатта, бунга осонликча эришилмапти. Ижобий натижалар меҳнат ва илганиш эвазига қўлга киритилаяпти.

— Умуман олганда, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тадбир, ҳатто биз "юзакни", "зерикарни", дея баҳо берадиганлари ҳам аслида фойдадан холи эмас, — дейди партия туман бўлими раиси ўринбосари Абдунаби Мухримов. — Шу маънодаки, йилгиланлар лоақал бир-бири билан мулоқотга киришадилар, озми-кўпми ўзаро фикр, тажриба

алмашишу кечади, бажарилаётган ишларни баҳолайдилар, нима-ларнидир қийслайдилар, ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб топишга уринадилар ва ҳоказо. Шу боис мен партиявий тадбирлар қанча кўп бўлса, шунча яхши, деган фикрдаман. Бироқ бу мулоҳазадан, тадбирни номигагина ўтказса ҳам бўлаверди, деган маъно чиқмаслиги керак. Ҳаммаизга аёнки, савияси паст йилгилишлар сурункали давом этаверса, уларга одамлар буткул келмай қўйишади.

Биз ўтказилган тадбирлар мониторингини изчил олиб борамиз. Хусусан, кенгаш аъзолари, таянч тузилмалар етакчилари иштирокда ҳар бир тадбирга ҳолис баҳо бериш, уни муҳокама қилишга ҳаракат қиламиз. Бунда иштирокчининг ўз фикрини, бу фикр қандай бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир монеликсиз, бемалол айтишига имконият яратамиз. Имкон қадар кўпроқ таклифлар, гоёлар олишга интиламиз. Кейин уларнинг айрим-ларини биргаликда ривожлантирамиз. Яқиний босқичда энг яхшиларини саралаб оламиз. Шу тариқа интерфаол усуллар бўйича тажриба орттириб, уни турли тадбирларда қўллашга уриняпмиз.

Дарҳақиқат, фаоллар тадбирларга партия электорати вакиллари кўпроқ жалб этиш йўллари кидирмоқдалар. Бу жараёнда эса аввалги хатолар, кам-чиликлардан тегишли хулосалар чиқараётганликлари алоҳида эътиборга молик. Масалан, аҳолининг турли қатламлари вакиллари, ёши, дунёқарши, касб-кори орасида катта тафовут бўлган кишилар қатнашуви, кўп одам тўпланадиган йиғинлардан аста-секин воз кечилаяпти. Зеро, суҳбатдошимиз фикрича, кун тартибидagi муайян масала маълум тоифадагиларни жуда қизиқтириши, айни пайтда бошқаларнинг эътиборини мулҳоқ тортмаслиги мумкин. Бинобарин, мулоқотлар ташкил қилишда ана шу жиҳат ҳам ҳисобга олинаёпти. Яъни, аниқ бир мавзу танланиб, унга бевоисита



дахли бўлган, ундан қандайдир даражада манфаатдор бўлган кишиларга аниқ этилаёпти.

Ўтган йиллардан олинган яна бир сабоқ: мўлжалланаётган тадбирнинг ҳар бир иштирокчисига мавзу бўйича материални етказиш керак, токи у йилгилиш мақсади тўғрисида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлсин, пухта тайёрланиб келсин. Ҳозир туманда тадбир эълон қилиниши, тарқатма материаллар билан боғлиқ ишларга, бу борада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилаётир. Таҳлилларнинг қўрсатишича, ёши қирқка етмаган тадбиркорлар кўп масалаларда ахборот алмашишнинг замонавий воситаларига мурожаат этмоқдаларки, бу айни йўналишдаги ишларни жонлантиришга ундамоқда.

Шунинг баробарида тадбир ташкилотчиларининг аввало ўзлари мавзунини чуқур англашлари талаб этилади. Шундагина йилгилишга кимларни ва қандай мутахассисларни таклиф қилиш керак, деган саволларга жавоб топилади, тадбир сермазмун, қизиқарли ўти-

шига замин яратилади.

Шунингдек, кузатувлар бугунги кунда хусусий сектор вакилларининг юридик масалаларга оид билимларни эгаллашга иштиёқи катталигидан далолат бермоқда. Фаоллар ҳам ана шу тенденциядан келиб чиқиб, ҳуқуқий мавзуларга бағишланган тадбирларга кўпроқ урғу бераёптилар. Мавриди келганда, бир қарашда аҳамиятсиз-дек кўринса-да, моҳиятан муҳим бир жиҳатга диққат қилайти: нега тумандаги "Yarang-konsulting", "Бизнес-триумф", "URI-KOM" сингари хусусий аудиторлик, консалтинг ва адвокатлик фирмалари партия фаоллари билан биргаликда бепул ўқув курслари, семинар машғулотлари ўтказаяптилар? Гап ат этмоқдаларки, бу айни йўналишдаги ишларни жонлантиришга ундамоқда.

Демак, истаимизми-йўқми, бозор иқтисодиёти ва кўппартиявийлик шароитида ўзаро манфаатдорлик тамойилига таянган ҳолдагина жамоатчилик ишларини самарали олиб бориш мумкин.

Юзма-юз мулоқотлар асосида билдирилдиган таклифлар, муро-

жаатлар бўйича жиддий иш олиб бориш, депутатларни илҳоки бори-ча кўпроқ жалб қилиш кабилар ҳам туманда уюштирилаётган тадбирлар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилаётир.

— Шак-шубҳасиз, ташвиқот ишларининг сифати яхшиланишида тилга олинган ана шу омиллар муҳим аҳамият касб этаёпти, — дея таъкидлади партия туман ташкилоти раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раҳматулла Каримов. — Лекин, энг асосийси, давра суҳбати бўладими, семинар-тренинг бўладими, уни ўтказишдан қўзланган мақсад — мулкдорлар синфи манфаатларини фидолаш эканини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз керак. Ҳар бир тадбирда ўрта қатлам вакиллари ташвишга солаётган муаммолар ечими илганиши, тадбиркорни қўллаб-қувватлаш йўллари қидирилиши ва топилиши лозим. Шундагина бизга билдирилган юксак ишончни оқлашга муваффақ бўламиз. Ташкиллаштириётган давра тадбирларимиз ҳам туб монбат-эътибори билан ана шу ягона мақсадга йўналтирилган.

Жиддий синовга жиддий тадорик

Шаҳрисаб туманидаги «Паҳлавон» тиббиёт-ташхис марказидаги О'zLiDeP бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йилгилиш «Демократик-ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим асосидир» мавзуга бағишланди.

— Туманимизда 48 та БПТ фаолият юритмоқда, — деди тадбирда туман партия кенгаши раиси Улоҳ Ярашев. — Яқинда қуйи бўғинларда О'zLiDePнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Сайловди платформаси лойиҳаси муҳокамалари ўтказилди. Уларда партиямизнинг 2010-2014 йилги Сайловди дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисобидан келиб чиққан ҳолда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш соҳасидаги устувор вазифалари борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. БПТ етакчиси Абдулла Йўлдошев таъкидлаганидек, сайлов кампанияси даврида фаол ҳаракат қилган, бор куч ва имкониятлардан самарали фойдаланган, тарғибот-ташвиқот ишларини юксак даражада ташкил этган партиягина вакиллик органларидан кўпчилик ўринни эгаллай олади. Бунинг учун депутатликка номзодларни, уларнинг кузатувчи, ишончли ва ваколатли вакилларини пухта тайёрлаш, сайловди ташвиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориш, бу борада ОАВ имкониятидан самарали фойдаланиш зарур. С.ИКРОМОВ.

Аъзолик гувоҳномалари топширилди

Балиқчи туманидаги «Санам-Элит» ўқув марказидаги 13 аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилотиди «Бўлажак сайлов — менинг келажагим» мавзусида тадбир ўтказилди.

— Ўқув марказимизда 100 нафардан ортик қиз тикувчиликни ўрганияпти, — дейди қуйи бўғин етакчиси Гулчеҳра Раҳмонова. — Уларнинг яридан кўпи жорий йил 21 декабрда бўладиган сайловда илк бор иштирок этадилар. Давра суҳбатда уларга сайлов қонунчилиги, бу жараёнда фуқаронинг бурчлари, эркинликлари, ҳуқуқлари нимага иборат эканлиги хусусида тушунчалар берилди.

Йилгилиш сўнгиди О'zLiDeP партия туман кенгаши раиси Оқибатхон Жақбаров партияга қабул қилинган 5 нафар чевағра аъзолани гувоҳномаларини топширди. А.МУСУРМОНОВ.

Янги авлод билан учрашув

О'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан Навоий шаҳар фан ва таълим ходимлари касабга уюшмасидаги БПТда «Ёшлар демократик сайловлар арафасида» номи учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда партия ҳудудий ташкилоти қошидаги Сийёсий таълим маркази лекторлар гуруҳи ҳамда Сайловди штаби аъзолари, Навоий шаҳар индустриал-иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчилари, шунингдек, «Ибн Сино» МФЙ ҳудудида яшовчи, сайловда биринчи марта овоз берадиган Ёшлар иштирок этди. Янги авлод ҳузурини сўзга чиққанлар истиқбол йилларида мамлакатимизда кучли демократик давлат қуриш учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлиги, амалдаги сайлов қонунчилиги, О'zLiDeP ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги хусусида фикрлар билдиридилар. Хусусан, «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага», «Мулкдор оила» сингари партиявий лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. М.АСЛОНОВ.

▲ АНИҚ САВОЛГА

— Участка сайлов комиссияси қачон ва қандай таркибда тузилади?

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун талабига кўра (14-модда) участка сайлов комиссияси сайловга қамда қирқ кун қолганда беш-ун тўққиз нафар аъзодан, жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

▲ АНИҚ ЖАВОБ

“Шоқишлоқ”нинг “Оқсарой”и

Сариосиё туманидаги “Ўзбек-Сурхон” МЧЖда фаолият юритаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти фаоллари аввалги сайлов даврида берилган ваъдалар амалга оширилишига масъулият билан ёндашаёптилар.

Чунончи, қуйи бўғин ва “Шоқишлоқ” МФЙ фаолларининг кўшима йилгилишида маҳалла ҳудудидаги каровсиз бино ва 0,15 га ташландик ердан унумли фойдаланиш масаласи атрофида муҳокама қилинган эди. Баҳс-мунозаралардан сўнг БПТ етакчиси, туман кенгаши депутати Адҳам Юсуповнинг савдо ва хизмат кўрсатиш маркази барпо этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди. Зеро, таянч тузилма раҳбари корхонанинг бунёдкорлик ишларидан ёрданини аямаслигини маълум қилганди. Орадан кўп ўтмай, бу таклиф амалий ишларга кўчди. Бугунга келиб “Шоқишлоқ”да новвойхона, сохсахона, касбсхона, омборхона, озик-овнат дўкон, довиҳона, сартароҳхона, чойхона куриб битказилди. “Оқсарой” деб номланган ушбу мажмуада 12 киши доимий иш билан таъминланганлиги ҳам диққатга сазовордир.

— Одамларнинг ҳолатини чиқаришга хизмат қилувчи, маҳалламизга файз ва кўрк бағишлаган бундай ишхоотлар ишга туширилганидан мен ҳам жуда хурсанд бўлдим, — дейди МФЙ фаолларидан бири Нарзулла Саидов. — Қолаверса, қурилиш жараёнида маҳалламиздан 20 киши иш ўрнига эга бўлди. Улар ҳозир ҳам меҳнат қилаёптилар. Дарҳақиқат, эндиликда “Bellota”, “Berk” компаниялари иштирокида меза-консерва, тикувчилик цехлари, иўзназ истироҳат боғи бунёд этилаётди. Дирлабо РАҲМОНОВА, О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходими.

▲ РЕКЛАМА

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурини ташкил этилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибдорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибдор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа гоёлари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.

Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.



“ҚАҲҚАҲ”ЧИЛАР “XXI ASR”НИ ТАНЛАДИ

- Дада, мана, севимли газетангизнинг янги сони.
- Ие, Болта, сен ҳам “XXI asr”ни олиб келдингми?
- Ҳа, энам айтганди энг яхшиси шу деб...
- Унда энанг билан бориб, “XXI asr” газетасига бир йилга обуна бўлиб келинглар!
- Хўп, дада...
- Обуна индексини эслаб қол: 406

Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

Компьютер кичкинтойлар овунчоғими?

Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизга шу қадар шиддат билан кириб келдики, ҳали эсини таниб-танимаган болакай ҳам компьютерда мультфильмлар кўришга, ҳеч бўлмаганда, клавиатураларини босишга иштиққанд. Кўпчилик ота-оналар эса фарзандининг тарбияларини эшитмаслик учун уни қўлидан етаклаб монитор қаршига ўтказиб қўётгани ҳам бор гап. Муҳими, қўлоғи тинч бўлса бас. Ҳолбуки, компьютернинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас

Дилноза НОМОЗОВА,
«XXI asr»

Айни пайтда компьютернинг фойда ва зарари ҳақида турли қарашлар мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, 7-8 ёшли болалар компьютерга нисбатан онгли муносабатда бўладилар. Ундаги ўйинлар мустақил қарор қабул қилиш, ижодий қобилиятнинг ривожланиши, шахсий хусусиятларнинг шаклланишига таъсир қилади. Аммо компьютер олдида меъёрдан ортиқ ўтириш физиологик жиҳатдан ривожланиб келаётган боланинг жисмоний томондан нормал шаклланиши, психологиясида салбий таъсир қилмай қолмайди. Мониторга тикилиб кўриш аъзоларнинг зуриқлиши, марказий асаб тизимининг бузилиши, қўл, елка ва бўйин мушакларининг нотўғри ривожланишига олиб келади.

Маҳалладаги суҳбатларда ёш она биринчи синфга борадиган ўглининг мактабдан келиб қолган компьютерга «шўнғиб» кетишини, барча дастурларни беш қўлда биллишини, ҳатто, интернет тармоғига мустақил улана олишини гуруҳ билан гапирди. Четдан қараганда, бу мактовга ва ҳавасга арзунли ҳолат. Аммо эндиликта мактабга қатнай бошлаган болакайнинг кун давомида монитор қаршида ўтиришини ижобий баҳолаб бўладими?

Интернет имкониятлари эзу манфаатларига хизмат қилиши билан бирга, инсонни ташвишга солаётган глобал муаммоларнинг ортишига ҳам сабаб бўлаётди. Зеро, глобал тармоқда мавжуд манбаларнинг мақсадлари турлича. Энг таъсирчан, ахборотни тез қабул қилувчи қатлам, шубҳасиз, ёшлар ҳисобланади. Шу боис интернетни тарғибот қуролига айланттириётган, бузғунчи ғояларини ёш авлод вакиллариغا синди-

ришга уринаётганларнинг сайтлари борлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўзбекистон Алоқа, ахборот-лаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 2013 йилда 9,8 миллион нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир 11 миллионга яқинлашиб қолди. Уларни ташқи таъсирлардан, ахборий хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий ва умумбағарий террорчилик ҳаракатларининг ҳоми ва раҳнамолари мана шундай иктомий тармоқлар орқали ўз тарafdорларини тўплаш, улар орқали манфур ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилаётганлар.

Таъкидлаш жоизки, интернетдан фойдаланаётган ёшларда виртуал маданиятни шакллантириш нафақат ота-она, балки маҳалла, ўйғувчи-лар ва ОАВ зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биласизми, айни пайтда республикамиздаги интернет баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилли, «Биз мамлакатимиз келажаги учун масъул» каби мавзуларда қатор давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди.

Ёшлар орасида ижтимоий тармоқларнинг оммаланиши бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Улар «Odnoklassniki.ru», «Facebook.com», «Vkontakte», «Moy mir», «Twitter» каби тармоқларда ўз профилларини асрашади, юқорида санаб



ўтилган тармоқлардан фойдаланувчиларнинг мақсади янги танишлар орттириш ва бўш вақтини кўнгилли ўтказишдан иборат, ҳоло. Ҳўш, бу ҳолат ёш авлод онгига нечоғли таъсир этади? Маълумотларга кўра, жаҳонда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ҳоми ва раҳнамолари мана шундай иктомий тармоқлар орқали ўз тарafdорларини тўплаш, улар орқали манфур ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилаётганлар.

Таъкидлаш жоизки, интернетдан фойдаланаётган ёшларда виртуал маданиятни шакллантириш нафақат ота-она, балки маҳалла, ўйғувчи-лар ва ОАВ зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биласизми, айни пайтда республикамиздаги интернет баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилли, «Биз мамлакатимиз келажаги учун масъул» каби мавзуларда қатор давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди.

Ёшлар орасида ижтимоий тармоқларнинг оммаланиши бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Улар «Odnoklassniki.ru», «Facebook.com», «Vkontakte», «Moy mir», «Twitter» каби тармоқларда ўз профилларини асрашади, юқорида санаб

лаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси матбуот котиби Элбек Долимов. — Марказнинг асосий мақсадларидан бири интернетнинг миллий фойдаланувчиларини тармоқ сегментида пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни муҳофаза қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатишдан иборат. Марказда бу борада талай ишлар амалга оширилляпти. Шунингдек, интернет миллий сегментида таълимга оид ресурслар сонини ошириш устида ҳам иш олиб борилаётди. Хусусан, Ziyonet порталида «Кутубхона», «Хорижий тиллар», «Арбоблар», «Ўқитиш доғри ёшлар», «Таълим муассасалари», «Ўйинлар» бўлимларининг шакл-шамойили янгиланди, фойдаланувчилар учун қўлай интерфэйс тўлиқ модернизация қилинди.

Ҳа, юртимиз ёшларига интернетдан фақат згулик, илм-фан йўлида фойдаланишни ўргатиш, ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидларнинг қурбонига айланиб қолишларининг олдини олишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Аммо, юқорида таъкидланганидек, бу борада ота-оналар ва мактаб ўқитувчиларининг ўрнини ҳеч бир ташкилот еки муассаса боса олмайди.

Баркамол авлод орзуси

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида жами 9914 ўринли 58 та шифохона, 250 та қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, кўплаб поликлиникалар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Таъкидлаш жоизки, вилоят аҳолисининг 56,7 фоизи қишлоқларда истикомат қилади. Шундан 27,7 фоизи фертил, яъни туши ёшидаги хотин-қизлардир. Бинобарин, қишлоқ жойларида тиббий хизмат маданиятини ошириш, ҳар томонлама етуқ, маънан ва жисмонан соғлом авлодни шакллантиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, вилоятнинг тоғли ва чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш кун тартибиде турган асосий масалалардан биридир.

Кейинги йилларда «Саломатлик-2» ва «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида вилоятдаги 250 та КВП янгидан қурилиши ва қайта таъмирланди. Хусусан, уларнинг 4 млрд. 808 млн. 230 минг сўм ҳажмидаги замонавий жиҳозлар ва ускуналар билан таъмирланганлиги кўпчилик учун айни мўлдо бўлди. Қишлоқ аҳолисига қўлайлик яратиш мақсадида КВПлар қошида 34 та ижтимоий дорихона ташкил этилди. Бугун вилоятдаги қатор тиббий муассасаларида компьютер ва оғтехника жамламалари ўрнатилган. Улар эса хизмат сифатини маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ҳар бир юртининг келажаги, куч-қудрати аҳоли сиҳат-саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Рустам Йўлдошев. — Мустақилликнинг дастлабки йиллари билан ҳозиргисини таққослайдиган бўлсак, тиббиёт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Натижада тиббий хизмат даражасини ошириш, миллат саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни шакллантириш борасида янгидан-янги имкониятлар вужудга келмоқда. Айни пайтда вилоятимиздаги даволаш-профилактика муассасаларида 4990 нафар врач, 29410 нафар ўрта тиббиёт ходими, 853 нафар умумамалиёт шифокори фаолият юритапти. Улар орасида 33 нафар фан номзоди, 5 нафар фан доктори бор. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 787 нафар шифокоримиз Тошкент врачлар малакасини ошириш, Самарқанд тиббиёт институти, шунингдек, республика клиникаларида ўз билим ва малакаларини бойитиб қайтишди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармон шогилинч тиббий ёрдамнинг кафолатланган, самарали тизимини яратиш, хизмат сифатини ошириш, бунинг учун зарур ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишда муҳим омил бўлмоқда. Шу асосда

қишлоқ ҳудудларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дориман тазминоти яхшилаш ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатишга ихтисослаштирилган тиббий марказлар вужудга келтирилди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди. Ҳомилалар доғри ва чақалоқлар паталогиясини барвақт аниқлаш тизимини янада такомиллаштириш, турли ирсий касалликлар, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланиляпти. Жумладан, «Она ва бола» скрининг марказлари кейинги йилларда юрак самарали ультратовуш сканерлари ва бошқа замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Бу борадаги ишлар бошқичма-бошқич давом эттириляпти.

Умуман олганда, вилоятдаги мавжуд даволаш-профилактика муассасалари моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Жумладан, вилоят ОИТСга қарши кураш муассасаси, кўп тармоқли тиббиёт марказининг 60 ўринли терапия бўлими янги, қўлай шарт-шароитларга эга бўлган биноларда фаолият кўрсатапти. Мавжуд талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб, вилоятдаги «Тез тиббий ёрдам» бўлимларида 664 миллион сўмлик, қон марказида эса 200 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу муассасаларнинг моддий-техник базаси кенгайтирилмоқда. Жумладан,

«Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг вилоят филиали Германия, Япония, Италия, Россия, Украина, Хитой ва АҚШда ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги замонавий электрон асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида мавжуд 18 та туғруқ мажмуи ва уларнинг жойлардаги бўлимлари фаолияти такомиллаштирилди. Туғруқ мажмуалари 1062 турдаги жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди.

— Биз «репродуктив саломатлик» иборасини бот-бот тилга оламиз, — дейди республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали директори Шоира Набиева. — Бу аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш, оилани режалаштириш каби масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, бугунги кунда ОИТС/ИВНнинг олдини олиш, уни ташхислаш ва даволаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсимлар репродуктив саломатлигини яхшилаш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этади.

Соғлом ондан соғлом фарзандлар дунёга келади. Шу боис вилоятда оналар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, кўрсатилётган тиббий хизмат сифати ва маданиятини янада ошириш юзасидан аниқ чоралар қўриляпти. Зеро, аёл жамият таянчи, келажак бунёдкор сифатидан хурмат-эътибор ва раҳмхўрликка лойиқдир.

Бола ҳуқуқлари ННТ нигоҳида

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда «Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида лойиҳаларни самарали бошқариш бўйича ННТ фаолларининг касбий маҳоратларини ошириш» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ЕИҲ, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритувчи ННТ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда юртимизда яратилган болалар ҳуқуқини ҳимояловчи миллий тизим, соҳада қабул қилинган қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида сўз юритилди. Маълумки, Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи бўлиб 1992 йилда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилиниб, бу борада Миллий ҳаракат дастури ҳамда 15 дан зиёд ҳуқуқий-меъерий ҳужжат ишлаб чиқилган. Семинар-тренинг давомида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида фаол иш олиб бораётган вилоятлардаги ННТ вакилларида 18 нафар тренер тайёрланди.

ЭЪЛОН

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

Сотувчи: Республика Давлат рақобат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси
Сотувчининг манзили: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй.
Алоқа телефонлари: (0-436) 224-04-61, 224-79-23, факс 224-26-94.
Электрон почта манзили: www.navoiqobol.uz.

Электрон почта манзили: www.navoiqobol.uz.

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Баланса сазоворининг номи, манзили	Сотишни белгиланган давлат улushi	Сотиш таклиф қилинаётган бошланғич нархга нисбатан пасайтирилган нарх (млн.сўм)	Инвестиция маъмурий миқдори (млн.сўм)	Хусуслаштиришни белгиланган ҳудуд қарори номи
1	Рақс майдончаси	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	85 307,39	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
2	Фойдаланилмаган турган гараж биноси (инв.№889101444)	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	13 261,45	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
3	Зарафшон шаҳрида жойлашган 2125 кв. метрлик сувтўтиш-омборхона (инв.№5661)	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	2 241 889,16	100,0	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
4	Зарафшон шаҳрида жойлашган темир-бетон мақсулотлари ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	843 705,9	100,0	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
5	«Овез» бегдорлик жамиятини қарши дала ҳовли (ёғи омборхона билан)	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	99 648,61	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
6	«Объектларни қўриқ»	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	70 275,17	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
7	«Наврў» савдо павильони	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	7559,39	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
8	Барак типидagi 1 қаватли бино (инв.№ 20947)	Конимех тумани	НКМК ДК	100%	21 383,65	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
9	Барак типидagi 1 қаватли бино (инв.№ 20948)	Конимех тумани	НКМК ДК	100%	21 383,65	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
10	Барак типидagi 1 қаватли бино (инв.№ 20949)	Конимех тумани	НКМК ДК	100%	21 383,65	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
11	Ғишги бино ва гараж станцияси қурилмаси	Конимех тумани	НКМК ДК	100%	37 999,72	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
12	Хорижий ускуналар омборхонаси (инв.№8201001)	Учқудук тумани	НКМК ШКБ	100%	649 741,90	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
13	«Табаасул» савдо дўкони	Навоий шаҳри	НКМК ДК	100%	1 247 218,74	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
14	Азроб минераллаштириш (тоғлиқ ишхона) (инв.№89101439)	Зарафшон шаҳри	НКМК ДК	100%	177 475,00	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
15	«Навоийметаллоағартма» МЧЖнинг 51% давлат улushi	Навоий шаҳри	—	51%	233 863,97	50,0	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
16	Чўчилик фермасининг бун турган бино ва иншоотлари (инв.№24613)	Зарафшон шаҳри	НКМК ЖБ	100%	625 595,30	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
17	Мармар ишлаб чиқариш биноси (ММК биноси (инв.№952067), ўнги биноси (инв.№0011043), ишлаб чиқариш корхона биноси (инв.№9512068)	Учқудук тумани	НКМК ЖБ	100%	3 082 289,57	—	ПҚ-1743 25.04.2012 йил
18	«Оқуш» болалар боғчаси	Қизилтепа туман ҳокимлиги	Қизилтепа туман ҳокимлиги	100%	179 444,54	5,0	ВМ-154 31.05.2012 йил
19	«Бойчечак» болалар боғчаси биноси	Қизилтепа туман ҳокимлиги	Қизилтепа туман ҳокимлиги	100%	63 304,85	5,0	ВМ-154 31.05.2012 йил
20	«Дипраб» болалар боғчаси бино ва иншоотлари	Навоҳер тумани	Навоҳер туман ҳокимлиги	100%	131 390,59	—	ВМ-154 31.05.2012 йил
21	Учқудук туманида жойлашган туман тиббиёт бирлашмаси ҳўридаги кўп тармоқли поликлинника эсат биноси	Учқудук тумани	Учқудук туман ҳокимлиги	100%	201 141,29	—	ВМ-154 31.05.2012 йил
22	«Навоий универсал улгурак савдо биноси» МЧЖ	Кармана тумани	Давлат активларини бошқариш маркази	11,5%	289 617,42	—	ВМ-233 12.08.2011 йил
23	«Қизилтепа таъминот-универсал улгурак савдо биноси» МЧЖ	Қизилтепа тумани	Давлат активларини бошқариш маркази	25,5%	304 015,11	—	ВМ-233 12.08.2011 йил

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Республика Давлат рақобат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биноси мажлис залда 2014 йил 5 декабрь соат 10.00 да бўлиб ўтади.
Объект биринчи савдода сотилмаган тақдирда, 2014 йилнинг 18. 30 декабрь ва 2015 йилнинг 14 январь кунлари танқисий савдолари бўлиб ўтади.
Олди-соти шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари):
1. Сутуви билан 20 кун мuddат ичнда олди-соти шартномасини тузиш;
2. Инвестиция қамбурутларини тўлиқ бақариш;
3. Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
4. Янги иш ўринлари ташкил этиш;
5. Тулов мuddатини қисқа мuddатларда амалга ошириш.
Таъбирларнинг тавсифларини қабул қилиш санаси ва вақти: 2014 йил 4 декабрь (ҳар хайфа душанбадан жума кунига қадар) соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.
Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгорлар ёни унинг вақини эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйдаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртномани икки нусхада тақдим этади:
- юрidik шакллар учун - давлат рўйхатинда ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақининг қатнашиши учун юнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ваколатли вақин қатнашган тақдирда, шунингдек, юнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхадаги ёки конвертларга солинган ва қуйдагиларни ўз ичига оладиган талабгор талқиллари.
Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилган суммаси ва уларни тўлаш мuddати:
- сотиб олиш тўловларининг суммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари.
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

СЎНГГИ САҲИФА

Маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш ҳаракатлари

Дунёда глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус олмақда. Бу жиҳат, айниқса, қундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган интернет тармоғи, мобил алоқа тизимида яққол кўзга ташланаётган. Аммо қайсидир маънода оғирмизни енгил, мушкуллимизни осон қилаётган ахборот технологиялари, хусусан, интернет орқали «оммавий маданият» ниқоби остида миллий манфаатларимиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга ёт гоъларнинг тарғиб қилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди



Нуриддин МУРОТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ахборот маконида мавжуд таҳдидлар томир отаётган экан, мамлакатимизнинг эртанги куни булган ёшлар учун соғлом муҳитни шакллантириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Содароқ қилиб айтганда, болаларимизга оқни қорадан, яхшини ёмондан, ҳикматни иллатдан ажратишни ўргатишга қаратилган ислохотларни янада кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айни пайт замонавий коммуникация тармоқлари орқали тарқатилган турли мазмундаги ахборот, реклама, компьютер ўйинлари, кино, видео ва бошқа аудиовизуал маълумотлар болаларнинг мурғак онги, маънавиятига оз-оздан бўлса-да, салбий таъсир кўрсатиб бораётганини яқинидаги ҳолати йўқ. Салбий тусдаги ахборотлар болаларни таъвоузор, шафқатсиз қилиб тарбиялаш, уларни жамиятга қарши хатти-ҳаракатларни содир этишга ундаш, жиноятга осон жалб этиш учун замин ярат-

ётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Маълумотларга қараганда, жаҳон миқёсида болаларнинг психоневрологик ҳолат асоратида ўз жонига ва ўзгалар ҳаётига суиқасд қилиш ҳоллари кўпаймоқда. Демак, бундай таҳдидларни олдини олиш яқин ҳуқуқий механизмни шакллантиришни талаб этади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг 2014 йил 19 февралдаги «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тайёрланган ушбу ҳужжат болалар ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги ҳамда уларнинг жисмоний, руҳий, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборот-

дан, жумладан зўравонлик, шафқатсизлик, порнография, жамиятга қарши ҳаракатларни тарғиб қилувчи босма ва аудио-визуал махсулотлар, электрон ҳамда компьютер ўйинлардан химоя қилишнинг қонунчилик қамқоғури ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаб беради.

Эътиборга молик жиҳати, мазкур қонун лойиҳасига ҳамда электрон ўйинлар, оммавий томошабоп тадбирлар орқали тарқатилган ахборотни тартибга солиш масалалари қонун даражасида белгиланмаганди. Бошқача айтганда, турли ёш тоифасидаги болалар учун мўлжалланган босма, аудио-визуал ва электрон махсулотлар мазмун-моҳиятига эга бўлган талаб ва мезонлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган эди. Шунинг учун ҳам мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Германия, Италия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси атрофлича ўрганилди.

Мазкур қонун лойиҳасида ахборотга чеклов ўрнатиш эмас, балки салбий аҳамиятга эга бўлган ахборотларнинг янгли оқибатлари олдини олишга

қаратилгани билан эътиборга моликдир. Зеро, ўтмишда ҳам ёш авлод тарбияси ўта муҳим вазифа ҳисобланган. Жумладан, «Ал жомеъ-ас саҳиҳ»да боланинг онаси қорнидалигиданоқ тарбияланиши мақбуллиги қайд этилган бўлса, Ибн Синонинг «Тадоир ул-манзил» асарига «отанинг болани ёмон таъсирлардан асрашдаги бурчлари»га бутун бир боб ажратилган.

Тайёрланаётган қонун лойиҳасида болаларнинг белгиланган вақтда киришга рухсат этилган жамоат жойларида уларни ёт гоълардан ҳимоя қилиш бўйича тегишли маъмурий, техник, дастурий ва бошқа чора-тадбирлар кўриш назарда тутилган. Қолаверса, ахборот махсулотини ихтиёрий равишда ёшга доир таснифлаш ва унга оғоҳлантирувчи марка қўйиш, телевидение ва радиода эфирга узатиш вақтини белгилаш, болаларни улар учун зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш каби халқаро амалиётда синалган ҳуқуқий механизмлардан самарали фойдаланиш ҳам назарда тутилган.

Биз сўз билан айтганда, мазкур қонундан мақсад болаларни юксак маънавиятли, жисмонан соғлом этиб вояга етказишдир.

Саёз мақолаларнинг муаллифи ким?

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Болалар оммавий ахборот воситалари фаолияти: ютуқлар, муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. ТВнинг роли, навирон авлод учун мўлжалланган нашрларнинг ўрни ҳақида сўз юритилди. Алоҳида таъкидланганидек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига 4 триллион 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар ажратилгани ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан далolatдир.

— Биз фарзандларимизга қайси кўрсатувларни кўриш унинг учун фойдали эканлигини ўргатишимиз керак, — дейди психология фанлари номзоди Маҳмуд Йўлдошев. — Уларга мана бунни кўр, бунни кўрма, деб таъки қўйишимиз нотўғри.

Фўқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари С.Дониёров болалар нашрларида чоп этилаётган мақолаларнинг таъсирчанлигини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Давра суҳбатида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, глобаллашув жараёнида бузғунчи гоъларга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилишда ОАВларининг фаоллигини янада ошириш бўйича фикр алмашилди.

Дилноза НОМОЗОВА.

Қамчиқ довони қишга тайёр

Маълумки, Буюк ипак йўлининг бир бўлаги сифатида юртимиз ҳудуди, жумладан, Қамчиқ довонидан ўтган Тошкент-Ўш автомобиль йўли мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Зеро, у Фарғона водийсидаги учта вилоятни республикамизнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган энг қисқа ва қўлай йўлдир. Шунинг учун ҳам Қамчиқ довонидан ўтувчи йўл қишин-ёзин серкандов. Таъкидлаш жоиз: Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги, «Ўзавтйўл» компанияси ҳамда йўл жағмараси билан биргаликда ишлаб чиқилган дастури мувофиқ айни кунда 2014-2015 йилги киши мавсумида Қамчиқ довони орқали автотранспорт воситаларининг қатнови хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

ФВВ ахборот хизматининг хабар беришича, бунинг учун барча зарур техника ва механизмлар шай ҳолатга келтирилган бўлиб, йўл ёқасида автомобиллар тўхтаб туришига мўлжалланган 13 та, шунингдек, фавқулодда ҳолатлар вақтида юқорида қиши йўллари ҳамда етти та вақтинча тўхташ майдончалари тозаланиб, автомобиль йўлида кенг-кўндуз ишлайдиган ходимлар учун махсус кийимлар, қўлқоп ва пойабзаллар ҳозирланди.

Қор уюмлари тўпланадиган жойларга кўчклардан химояловчи 1710 та тўсиқ ўрнатиш ишлари ҳам якунига етказилмоқда.

Вазифасини ўзгартирган «Боинг»лар



Кўни кеча Тошкент халқаро аэропортига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпаниясига тегишли, капитал таъмирдан сўнг ўз вазифасини қисман ўзгартирган иккита «Boeing 767-300BCF» юк самолётининг биринчиси келиб қўнди.

Гап шундаки, ана шу иккита транспорт воситаси илгари «Boeing 767-300ER» русумли ҳаво лайнери сифатида йўловчи ташишда эксплуатация қилинган бўлиб, МАК томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ юк самолётлари талабларига мос равишда қайта жиҳозланган.

Хорижий мамлакатларда кенг қўлланиладиган бу усулни юртимизда жорий қилишдан мақсад — йўловчи ташиш учун эскирган самолётларнинг хизмат кўрсатиш мuddатини узайтиришдан иборатдир. Эътиборли томони шундаки, мазкур лойиҳа бўйича Навоий аэропорти базасида ташкил этилган Халқаро интермодал логистика маркази фаолиятини ривожлантириш учун бу ерда жаҳон стандартларига жавоб берадиган юк самолётлари паркинни ташкил этиш кўзда тутилган.

Маълум бўлишича, «Boeing» компаниясининг Сингапурдаги «Casko» авиатаъмирлаш базасида сўнгги техник талабларга мос равишда қайта жиҳозланган ҳаво кемалари дунёнинг исталган аэропортига кўндирилиши мумкин.

Ш.Хўжаев.



Яшириб ўтирмаймиз: ўтган йили бошқа партиялардан ҳам уларнинг сафига қўшилиш таклифини олгандим. Аммо мамлакатимиздаги барча сиёсий кучларнинг дастурлари билан танишиб чиққанидан сўнг айнан O'zLiDePга аъзо бўлишга қарор қилдим. Зеро, менга партиянинг ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ҳар томонлама ёрдам беришга бел болагани маъқул келганди. Жорий йилнинг ўзига O'zLiDePнинг асосан ёшлар иштирокида ўтказилаётган ўчдан ортқ давра суҳбати ва учрашуварларида иштирок этдим. Кейинги вақтда ана шундай тадбирларда фарзандларимизнинг четдан кириб келаётган ёт унсурларга тобе бўлиб қолишдан асраш, уларнинг спорт билан шуғулланиши ва кўпроқ или олишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш лозим. Бинобарин, доноларимиз «Билги зўр бири, билими зўр мингги йқиктар» деб беркога айтишмаган...

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни партияимизнинг ягона наشري бўлган «XXI asr» газетасига обуна бўлишга қақираман. Обуна индексини унутманг: 406!

Фарҳод ТўРАЕВ, Бел олиш спорти ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи.

ЛАТИФАЛАР

Ишдан чиқиб кетаётган ходимлардан бири иккинчисига деди: — Иккита янглигим бор: бири ёмон, бири яхши. — Ёмондан бошлай қол. — Мени ишдан ҳайдашди. — Яхшисичи? — Эртага сени ҳам ҳайдашар экан!

Онаси қизига деди: — Қизим, беш қошиқ шакер солдинг. Нима, севиб қолдингми? — Йўқ, ойинг биласизку, ширин чойини яхши кўраман. — Сен шакарни шўрвага соляяпсанда. — Йигит йўл четида турган оқ халатли ҳамшира қизга: — Қанийди, сиз ишлаётган жойга бемор бўлиб келсан!

Хандон отиб кулиб юборган қиз йигитга: — Майли, лекин мен тўғруқонада ишлайман-да.

Муҳтарам яна рекорд ўрнатмоқчи

Тош кўтариш спорти бўйича АҚШнинг Сан-Диего (Калифорния) шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси умумий ҳисобда иккинчи уринини банд этди. Мусобақа давомида мезобларни барча кўрсаткичлар бўйича ортада қолдирган ҳамюртларимизнинг бу ютуғига ўз вақтида Гиннеснинг Рекордлар китобидан ўрин олган спортчимиз, андижонлик Муҳтарам Аллева муносиб ҳисса қўнди. Ҳам ёшлар, ҳам фахрийлар ўртасида ташкил этилган баҳсларда иштирок этган Муҳтарам терма жамоа ҳазинасига тўртта (учта олтин ва битта кумуш) медал тақдим этди.



Чемпионат давомида, шунингдек, бухоролик Абдулла ва Файбулла Раҳमतовлар, сирдарёлик Лочин Хусанов, тошкентлик Воҳиддин Нажмиддинов ва Нуриддин Эргашев каби вакилларимиз совринли ўринларни кўлга киритган ҳолда шоҳсўпага кўтарилдилар. Айни пайтда М.Алиева супермарафон (тош билан узоқ масофага югуриш) бўйича польшалик спортчи томонидан ўрнатилган рекордни янгилашга тайёргарлик кўрмоқда.

ЎОБ-ҲАВО

Мана, кузнинг охириги ойи ҳам бошланди. Бу даврда ёгингарчил кўр кузатилади. Ҳаво ҳарорати тобора пасайиб боради. Мутахасссларнинг маълумотларига қараганда, республикамизнинг баъзи жойларида ҳафта давомида ёғаётган ёнги қорга айланishi мумкин. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси -7...-12, кундузи 0...-2 даража бўлади. Жанубий минтақалар — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса кечаси -1...-4, кундузи +3...+8 даражани ташкил этади. Юртимиз шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида бир мунча илиқ ҳарорат кузатилиб, кечаси -3...+2, кундузи +3...+8 даража атрофида бўлади. Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимизда термометр миллири кечаси -3...+2, кундузи +3...+8 даража бўлишини кўрсатяпти. Тоғли жойларда туман тушиши, кучли ёгингарчилик бўлиши кўтилимоқда. Ҳарорат кечаси -5...-10, кундузи 0...-5 даражага пасайиши мумкин.



РЕКЛАМА

3AZ FORZA

Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

ЎТМОИЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: Нотбият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буортма рақами: S 1310 Тираж: 10939
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди — 20.00

Тахририятга келган қўлёзмалар такрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олдин маълумотларда манба сифатида газетани номин кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктани назардан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририятда териди ҳамда дизайнер Марк Юсупов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009
Навбатчилар: Т.АБДУРАҲМОНОВ, А.МУЗАФФАРОВ.